



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йил август ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ф.Саматов, судья ёрдамчиси А.Хасановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Самарқанд транспорт прокурорининг ёрдамчиси Э.Марданов, судланувчи Г.А ва ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Самарқанд шаҳар “Боғишамол Ҳақиқати” адвокатлар ҳайъатининг адвокати И.Джабборовларнинг иштирокида, Г.Ага нисбатан №1-1401-2007/410-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Г.А ([REDACTED]),
1994 йил 15 апрель куни Каттақўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, турмушга чиқмаган, муқаддам 1) жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2019 йил 22 февраль кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва бошқа моддалари билан айбли деб топилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, жазо ЖКнинг 72-моддасига асосан шартлига алмаштирилиб, 1 йил синов муддати белгиланган, 2) жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2020 йил 25 март кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари ва бошқа моддалари билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан



шуғулланади, партиясиз, депутат этиб сайланмаган,

, унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 8 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қўйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Г.А, хавфли рецидивист бўла туриб, фирибгарлик, яъни ўзганинг мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Каттакўрғон тумани, Пайшанба шаҳарчаси, А.Навоий кўчасида норасмий авиакасса ташкил қилиб, 2020 йил 4 февраль куни Каттакўрғон тумани Кадан шаҳарчаси, Боғишамол кўчаси 5-уйда яшовчи фуқаро Шодиев Феруз Зокировичга авиа чипталар сотиш билан шуғулланишлигини маълум қилиб, уни ишончига кириб, 2020 йил 07 март куни “Ислон Каримов” номидаги аэропортдан “Тошкент-Владивосток” йўналишида парвоз қиладиган авиарейсга 1 дона авиа чиптани 3.800.000 сўм эвазига расмийлаштириб беришини айтиб, бронлаш тизимида мавжуд бўлмаган 2502400574672 рақамли уни номига банд қилинганлиги ҳақида маълумот киритилган авиа чиптани сохталаштириб, Ф.Шодиевни 3.800.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Г.А, унга қўйилган айбловларга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2019 йил 03 июль куни тегишли тартибда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, Каттакўрғон тумани, Пайшанба шаҳарчаси, А.Навоий кўчаси манзилида жойлашган бинода авиачипталар сотиш хизмат фаолияти билан шуғулланиш учун авиакасса очиб, ишлаб келаётганлиги, 2020 йил 04 февраль куни соат тахминан 11⁰⁰ ларда фуқаро Шодиев Феруз Зокирович келиб, унга Тошкент-Владивосток йўналиши бўйича парвоз қилувчи ҳаво кемасига авиа чипта кераклигини айтганлиги, шу вақтда у интернет тармоғи орқали Тошкент халқаро аэропортидан Владивосток шаҳрига парвоз қилувчи ҳаво кемалари рўйхатини кўриб, унга 2020 йил 07 март куни “Ислон Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортидан парвоз қилувчи ҳаво кемасига авиа чипта борлигини, нархи 3.800.000 сўм эканлигини айтган вақтида, Шодиев Феруз унга фуқаролик паспортини ҳамда 3.800.000 сўм пулларни бериб, унга ушбу авиа чиптани



расмийлаштириб беришини айтганлиги, шунда у унга ўзига тегишли бўлган компьютер ёрдамида унинг паспорт сериялари ва бошқа маълумотлари киритилган А4 форматида бўлган қоғозни принтер ёрдамида чиқариб, ушбу А4 форматида бўлган қоғоз электрон шаклдаги авиа чипта эканлигини маълум қилиб, ушбу авиа чипта билан 2020 йил 07 март куни Тошкент халқаро аэропортдан парвоз қилишини тушунтириб бериб, унга қалбаки авиа чиптани тақдим қилиб, 3.800.000 сўм пулларни олганлиги, шундан сўнг Шодиев Феруз 2020 йил 15 февраль куни у авиакассада ўтирган вақтида келиб, унга сотган авиа чиптани қайтариб бермоқчи эканлигини, сабаби чипта қалбаки эканлигини айтганлиги, шу вақтда у берган пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборганлиги сабабли, унга ушбу авиа чиптани бекор қилганлиги, пулини 2020 йил 01 март куни қайтариб беришлигини маълум қилганлиги, ҳозирги вақтда жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, уни айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, уни аёл киши эканлигини эътиборга олган ҳолда унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи Г.А унга қўйилган айбловларга тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг айби қуйидагилар билан, яъни;

Судда сўроқ қилинган жабрланувчи Ф.Шодиевнинг, ҳақиқатдан ҳам у 2020 йил 04 февраль куни соат тахминан 11⁰⁰ ларда Россия Федерациясининг Владивосток шаҳрига борувчи авиарейсга авиачипта сотиб олиш мақсадида, Каттақўрғон тумани, Пайшанба шаҳарчаси, А.Навоий кўчасида жойлашган авиакассага бориб, у ерда ишловчи унга олдиндан таниш бўлмаган, кейинчалик суриштирув давомида исм-шарифи маълум бўлган, авиачипта сотувчи Г.Ага мурожаат қилиб, унга 2020 йил 07 март куни Тошкент халқаро аэропортидан РФнинг Владивосток шаҳригача бўлган авиарейсга 1 дона авиачиптани расмийлаштириб беришлигини сўраганлиги, шу вақтда Г.А унга ушбу йўналишдаги авиарейсга авиачипта баҳоси 3.800.000 сўм эканлигини айтганлиги, шу вақтда у Г.Ага 3.800.000 сўмга ҳисоблаб 400 АҚШ долларини берганлиги, у унга 1 дона А4 форматида бўлган қоғозга компьютер ва принтер ёрдамида фамилияси ва исм шарифи киритилган қоғозни чоп этиб чиқариб бериб, ушбу қоғоз электрон шаклдаги авиачипта эканлигини, 2020 йил 07 март куни Тошкент халқаро аэропорти рўйхатдан ўтказиш жойига тақдим қилиб, шу куни соат 09⁴⁵ да ушбу авиачипта билан Тошкент халқаро аэропорти орқали парвоз қилишини тушунтириб берганлиги, шундан сўнг 2020 йил 15 февраль куни оилавий сабабларга кўра, у Владивосток шаҳрига бориш фикридан қайтиб, 2020 йил 04 февраль куни Г.А томонидан уни номига расмийлаштириб берилган авиачиптани қайтариб бериш ва пулини олиш учун Каттақўрғон тумани, А.Навоий кўчасида жойлашган авиачипта сотиш офисига бориб, Г.Ага мурожаат қилиб, авиачиптани топширмоқчи эканлигини айтган вақтида, у унга ушбу авиачиптани бекор қилганлигини, пулларини кейинчалик, яъни 2020 йил



01 март куни қайтариб беришлигини маълум қилганлиги, шундан сўнг у 2020 йил 01 март куни Г.Ани олдига пулларини олиш мақсадида борган вақтида, у унга пулларни қайтариш бўйича банк операцияларида муаммолар юзага келганлигини, у пулларни 2020 йил 08 март куни қайтариб беришлигини маълум қилганлиги, шу куни у уни гапларига ишонмасдан, бошқа бир авиакассага бориб мурожаат қилган вақтида у ерда ишловчи ходимлар унга авиачипта қайтарилганидан сўнг, пуллар дарҳол қайтарилишини, ушбу авиачиптани тизимда мавжуд эканлигини текшириб кўриши лозимлигини айтишганлиги, шунда у Г.А уни номига расмийлаштириб берган авиачиптани текшириб кўриш мақсадида Самарқанд халқаро аэропортига бориб, авиакассасига мурожаат қилган вақтида, Г.А уни номига расмийлаштириб берган авиачипта тизимда мавжуд эмаслиги ҳамда қалбаки эканлиги аниқлаганлиги, шундан сўнг у ушбу ҳолат юзасидан Самарқанд транспорт прокуратурасига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда у Г.Ага берган пулларини тўлиқ қайтариб олганлиги, шу сабабли унга нисбатан бирор даъво ёки эътирозлари йўклигини билдирди.

Бундан ташқари, судланувчи Г.Анинг ушбу жиноятни содир этганликдаги айби, унинг ўзининг, жабрланувчининг кўрсатувидан ташқари, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор (и.в.1-2), ариза (и.в 3), гувоҳнома ва ҳужжатлар нусхалари (и.в 10-11), талабнома (и.в 12), ҳукм нусхаси ва маълумотномалар (и.в 20-25), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори (и.в 35), тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят иши юзасидан тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Г.Анинг фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишда ҳамда ҳужжатларни сохталаштиришда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмига мувофиқ, ҳужжатни қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланганлик учун жинойий жавобгарлик назарда тутилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, судланувчи Г.А 2020 йил 04 февраль куни Каттакўрғон тумани Кадан шаҳарчаси, Боғишамол кўчаси 5-уйда яшовчи фуқаро Шодиев Феруз Зокировичга авиачипталар сотиш билан шуғулланишлигини маълум қилиб, уни ишончига кириб, 2020 йил 07 март куни “Ислон Каримов” номидаги аэропортдан “Тошкент-Владивосток” йўналишида парвоз қиладиган авиарейсга 1 дона авиа чиптани 3.800.000 сўм эвазига расмийлаштириб беришини айтиб, бронлаш тизимида мавжуд бўлмаган



2502400574672 рақамли уни номига банд қилинганлиги ҳақида маълумот киритилган авиа чиптани сохталаштириб, Ф.Шодиевга берган.

Ўз навбатида, жабрланувчи Ф.Шодиев Г.А уни номига расмийлаштириб берган авиачиптани текшириб кўриш мақсадида Самарқанд халқаро аэропортига бориб, авиакассага тақдим қилган вақтида, Г.А уни номига расмийлаштириб берган авиачипта тизимда мавжуд эмаслигини ҳамда қалбаки эканлигини аниқлаган.

Шу сабабли, суд судланувчи Г.Абдулаеванинг ҳаракатидан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми чиқариб, уни ушбу модда билан оқлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Г.Анинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг қилмишидан пушаймонлигини ва қилмишининг оқибатларини англаб етганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғаразли ниятларда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Ага нисбатан жазо турини тайинлашда ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, фирибгарлик жиноятини содир этганлиги бўйича айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини, уни аёл кишини эканлигини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини ва жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мажмуини инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги хулосага келиб, юқорида кўрсатилган ҳолатлар у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, шунингдек ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмидаги “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган қонун нормасига риоя қилган ҳолда унга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми



сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ф.Саматов

